

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги

№ 06/04-01-02-32/3164

2020 йил “28” декабрь

Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитаси

№ 18/2-43334

2020 йил “28” декабрь

**Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар давлат солиқ
бошқармаларига**

**Йирик солиқ тўловчилар
бўйича хуудлараро давлат
солиқ инспекциясига**

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар бўйича қўлланилган мақсадли имтиёз натижасида юзага келган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммасини ҳисобга олиш масалалари юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармонининг 3-банди учинчи хатбоши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сонли Фармонининг 7-банди учинчи хатбошига асосан эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилган.

Бунда, имтиёз қўлланиши натижасида бўшаб қоладиган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга мақсадли йўналтириш назарда тутилган.

Шунингдек, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммаси қайтарилмаслиги шарти белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонунининг 4-моддасига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 2020 йилнинг 1 январига қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади.


Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 4-моддаси бешинчи қисмига асосан янги солиқлар ва йиғимлар белгиланишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари расман эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ой ўтгач амалга киритилади. Солиқ имтиёзларини бекор қилишни, янги мажбуриятларни жорий этишни, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришни ёки солиқ муносабатлари субъектларининг ҳолатини бошқача тарзда оғирлаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам худди шундай тартибда амалга киритилади.

Солиқ кодексининг 75-моддасида қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар, шу жумладан товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига олиб кирилишида (импортида) солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан берилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Солиқ кодексининг 266-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганда, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш орқали ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг умумий суммасини камайтиришга ҳақли бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши солиқ имтиёзи бўлмасда ушбу ҳуқуқнинг бекор қилиниши солиқ тўловчининг ҳолатини “бошқача тарзда оғирлаштирувчи” ҳолат бўлганлиги сабабли ҳамда импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан имтиёз берилган ҳолларда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳуқуқи 2020 йил 1 январдан бекор бўлишини инобатга олган ҳолда, Солиқ кодексининг 4-моддаси бешинчи қисмига асосан қонун ҳужжатлари расман эълон қилинган кундан эътиборан камида 3 ой ўтгач, яъни 2020 йил 1 апрелдан амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири ўринбосари


Д. Султанов

Давлат солиқ қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари


М. Мирзаев